

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДАВЛЕТЯРОВ МАДАТБАЙ МАХСЕТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЗАМОНАВИЙ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА
ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Давлетияров Мадатбай Махсетбаевич

Қорақалпоқлар замонавий кундалик ҳаётида ижтимоий институтларнинг ўрни ва роли..... 3-24

Давлетияров Мадатбай Махсетбаевич

Место и роль социальных институтов в современном быту каракалпаков..... 25-46

Davletiyarov Madatbay Maxsetbaevich

The place and role of social institutions in the modern life of Karakalpaks..... 47-50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 51-53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 06.01.2018. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДАВЛЕТЯРОВ МАДАТБАЙ МАХСЕТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЗАМОНАВИЙ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА
ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3.PhD/Tar.196 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлатирилган.

Илмий раҳбар:	Карлибаев Максет Абдибаевич Тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Зунунова Гулчехра Шавкатовна Тарих фанлари доктори
	Сабиров Алишер Турсунович Тарих фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Тағ.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, ЎзР ФА Тарих институти. 2-қават. Мажлис залли). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; email: info@uzhistory.uz Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ - рақамли реестр баённомаси билан).

А.С. Сағдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси т.ф.д.,
профессор, академик

М.Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н.

С.С. Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида интеграциялашув жараёнлари, ғоявий, мафкуравий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда миллий маданиятни сақлаш ва уни тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Турли хил этник маданиятларнинг мавжудлиги, уларнинг бир-бирини тўлдириши, тўпланган маънавий маданият кадриятларининг авлоддан-авлодга етказилиши жамият тараққиётини ҳаракатга келтириб, инсоният ривожига хизмат қилади.

Ижтимоий институтлар этник маданият тузилмаларининг муҳим таркибий қисмидир. Социализация ва шахснинг ўз-ўзини англаши жараёнлари айнан ижтимоий институтларда кечганлиги туфайли жаҳон этнологиясида уларнинг замонавий жамият ҳаётида тутган ўрнига илмий ва амалий жиҳатдан улкан қизиқиш намоён бўлмоқда. Буюк Британия, Германия, Франция, Россия каби хорижий давлатларда ижтимоий институтларни ўрганиш масаласи гуманитар фанлар соҳасининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланиб, мазкур муаммонинг турли жиҳатлари ижтимоий антропология, социология, этнология нуқтаи назаридан тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасидаги масала эканлиги эътироф қилинди. Ижтимоий манфаатлар ва халқимизнинг тарихий онг даражаси ўсиб бораётган ҳозирги кунда давлат сиёсатини анъанавий маданият тарихига бўлган эътиборсиз тасаввур қилиш қийин. Бу ҳолат қорақалпоқларнинг ижтимоий институтларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради. Ушбу муаммони таҳлил қилиш анъанавий ижтимоий институтларнинг замонавий ижтимоий-сиёсий тузумга мослашиш шакллари тушуниб етиш учун муҳимдир.

Ушбу диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹, «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги, «Аёлларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ги Фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини ҳимоялаш, сақлаш, тарғибот қилиш ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / <http://lex.uz/docs/3107036>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февralидаги №ПФ-4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида»ги Фармони / <http://lex.uz/docs/3106223>

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февralидаги №ПФ-5325-сон «Аёлларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони / <http://lex.uz/docs/3546742>

фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»⁴ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоқ халқи маданияти тарихига оид тадқиқотларнинг асосий қисми қорақалпоқларнинг ўтмиш, айниқса, XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи ва маданиятини ёритишга бағишланган. Бироқ, мавзуга оид маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлили асосида олинган маълумотлар ижтимоий институтларнинг қорақалпоқлар анъанавий маданиятида тутган ўрни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Асосий кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси (Тошкент), ЎзР ФА Асосий кутубхонаси, Берлин Давлат кутубхонаси ва Гумбольдт университетининг Осие ва Африка давлатларини тадқиқ қилиш кутубхонаси (Германия) ҳамда Нукус шаҳридаги академик С.Камаловнинг уй-кутубхонасида сақланаётган адабиётлардан фойдаланилди. Диссертацияда чоп этилган ёки нашр этилмаган расмий материаллар, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти Этнография бўлими материаллари ва дала этнографик тадқиқот материаллари манбавий асос вазифасини бажарди⁵.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси ЎзР ФА Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишларига мос келади. Тадқиқот натижалари ва хулосаларидан мазкур институтда бажарилган ФА-Ф8-006 – «Ҳозирги замон Қорақалпоғистонда жамият ва ислом: тарихий-этнологик тадқиқотлар» (2007–2011); ФА-Ф1-Г001 – «Қорақалпоғистон жаҳон маданияти контекстида: Қуйи Амударё воҳаси шаҳар ва шаҳар маданияти тарихий истиқболида» (2012–2016); ФА-А1-Г004 – «Қорақалпоқлар тасаввурида аёл тимсоли: этнологик тадқиқотлар» (2015–2017) фундаментал ва амалий лойиҳаларини амалга оширишда, шунингдек, ФА-ИЗ-Г002 «Қорақалпоғистон тарихи (1991–2015 йй.) китобини тайёрлаш ва нашр этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқларнинг бугунги кун турмушида ижтимоий институтларнинг тутган ўрни ва ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқлар ижтимоий институтларининг структуравий таркиби,

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 ноябрдаги 222-сон «2010–2020 йилларда номоддий мерос объектларини химоялаш, сақлаш, тарғибот қилиш ва фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори / www.lex.uz

⁵ Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили ишнинг I бобида батафсил ёритилади.

бажараётган функциялари, турмушдаги фаолият соҳаларини аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда уларни таснифлаш;

уруғ-қабилавий бирликларининг ўзлигини англаш (идентификация) белгиларини аниқлаш, унинг ҳаётдаги ва никоҳ муносабатларидаги ўрнини аниқлаш;

оила ва қариндошлик гуруҳларининг қариндошлар ўртасидаги муносабатларда тутган ўрнини очиб бериш;

маҳаллий жамоалар (*мешиит-қэўим, көше ва көше-бий*), ўзаро ёрдам (*көмек*) сингари ижтимоий институтларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини аниқлаш;

турли ижтимоий институтлар орасидаги алоқаларни аниқлаш, уларни яхлит тизим сифатида кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анъанавий ижтимоий институтлар – қорақалпоқларнинг уруғ-қабилаларга бўлиниши (*уруў, тийре, көше*), оила, қариндошлик гуруҳлари (*мурындық ва б.*), маҳаллий жамоалар (*мешиит-қэўим, көше-бий, маканком ва б.*), ўзаро ёрдам (*көмек*) гуруҳлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети замонавий жамият ривожидида ижтимоий институтларнинг сақланиш даражаси ва уларнинг хизмат фаолияти жараёни хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот манбалардан танқидий фойдаланиш, маълумотларни тизимли ва қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихийлик, детерминизм ва объективлик каби методларга асосланган. Шу билан биргаликда, диссертацияда тавсифлаш ва қиёслаш ҳамда тизимли ва таркибий-функционал ёндашув методлари қўлланилди.

Шунингдек, интервью олиш, анкета-сўровнома тузиш, бевосита кузатиш каби эмпирик услублари ҳам қўлланилди. Анкета-сўровнома, интервью 2007–2017 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон худудида ташкил қилиниб, жами 500 дан ортиқ ахборотчи орасида ўтказилди. Анкета-сўровномани тузишда қатор этнограф-олимларнинг тадқиқотларида кўрсатилган саволномалардан фойдаланилди⁶.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этнографик материаллар асосида *уруў*, оила, қариндошлик гуруҳлари (*мурындық ва б.*), маҳаллий жамоалар (*мешиит-қэўим, көше бий ва б.*), ўзаро кўмак (*көмек*) гуруҳлари каби маданият компонентлари ижтимоий институтлар эканлиги кўрсатиб берилган;

ижтимоий институтларнинг умумий ва ўзига хос: тарбиявий, анъаналарни авлоддан-авлодга етказиш, интегратив, ижтимоий регулятив функцияларининг мавжудлиги ва фаоллиги асослаб берилган;

⁶ Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув қуланма. – Т., 2007; Читая Г.С. Принцип и метод полевой этнографической работы // Советская этнография.- М., 1957.- №4; Воробьев И.И. Программа для сбора материалов по изучению современного быта колхозной деревни и истории его формирования у народностей Среднего Поволжья // Советская этнография.- М., 1951. - №4; Крюков М.В. К методике сбора полевого материала по системам родства // Советская этнография.- М., 1972.- №4; Обсуждение статьи Шмелевой М.Н. и С.И.Вайнштейна по проблемам полевых исследований // Советская этнография. – М., 1985. - №5; Бусыгин Е.Л., Зорин Н.В. Методическое руководство по сбору материалов для написания курсовых и дипломных работ по географии сельского расселения и этнографии.- Казань, 1969.- 34 с.

қорақалпоқларда уруғ-қабилавий бирликларининг ўзлигини англаш белгилари аниқланди, ҳамда уларнинг ҳозирги кундаги никоҳ муносабатлари, оила, оилавий-қариндошлик ва кўшничилик алоқаларидаги муҳим роли ёритиб берилган;

қорақалпоқлар ижтимоий институтларининг ҳозирги замон ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинди ва ўзининг хилма-хил вазифаларига қарамасдан, ягона тизим сифатида ҳаракат қилиши, айрим компонентлари эса ўзига хос функцияларга эгалиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

кичик уруғ тоифалари – *көше* тўғрисида аввал чоп этилмаган маълумотлар, уруғ таркиби билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, ҳамда бошқа этнографик материаллар топилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалий тавсия ва таклифлар берилган;

маҳаллий жамоаларнинг (масалан, *көше бий*) ўз аъзолари ҳаётини тартиблаштириш, яъни ижтимоий тартибга риоя қилиш, ёш авлодни тарбиялашдаги роли аниқланган;

көмек институтининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, тарбиявий функциялари, анъанавий кадриятларнинг давомийлигини таъминлашдаги ўрни, интеграцион функциялари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объективлик ва тарихийлик илмий тамойиллари ҳамда фактологик манбалар (ёзма манбалар, дала ёзувлари)га таянган таркибий-функционал методларнинг қўлланилиши билан;

Қорақалпоғистон ҳудудида 2007–2017 йилларда мавзу бўйича йиғилган янги этнографик материаллар илмий муомалага киритилганлиги билан;

олинган натижаларнинг ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналларда ҳамда республика ва халқаро илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилиши билан ҳам тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари қорақалпоқларнинг тарихи ва этнографиясига оид илмий асарлар, ўқув қўлланмаларини тайёрлашда манба сифатида хизмат қила олади. Шу билан бир қаторда, илмий изланишлар натижаларидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий лойиҳаларни бажаришда фойдаланса бўлади.

Тадқиқот натижалари уларни турли институционал ташкилотлар фаолиятида тарғибот қилиш орқали миллий анъаналарни сақлаб қолишга йўналтирилган ишларда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқларнинг ҳозирги замон кундалик ҳаётида ижтимоий институтларнинг тутган ўрни ва ролини ўрганиш натижасида олинган илмий хулоса ва тавсиялар асосида:

Анъанавий ижтимоий институтлар саналмиш кўшничилик жамоалари,

оқсоқоллар кенгаши (кўча бийи, оқсоқол) тўғрисидаги илмий хулосаларидан ЎЗР ФА Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-ИЗ-Г002 «Қорақалпоғистон тарихи (1991–2015 йй.) китобини тайёрлаш ва нашр этиш» инновацион лойиҳасининг «Фуқаролар институтларининг шаклланиши ва ривожланиши», «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг шаклланиши ва ривожланиши» бўлимларини ёзишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 15.05.2018 й. 3/1255-1263-сон маълумотномаси). Хусусан, тадқиқот натижалари ўзини ўзи бошқариш органларини, ижтимоий институтларнинг сақланиш даражасини, уларнинг жамиятдаги вазифалари ва ролига оид илмий билимларни боитишга ёрдам берган.

Қорақалпоқларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтларининг таҳлили, жамиятимизга таъсири, оила, қариндошлик гуруҳлари, «мурындық» каби институтлари функцияларининг жамиятимизнинг бугунги кун ҳаётидаги ахамияти тўғрисидаги таҳлилий маълумот ва хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини ташкил этишда фойдаланилди (Фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 17.05.2018 й. 01-01/118-сон маълумотномаси). Хусусан, ишда оила ва қариндошлик гуруҳлари, уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги асослаб берилган илмий хулосалар ёш оилалар муаммоларини ҳал қилиш чорасини кўриш, улар орасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича кўникмаларни бойитишга ҳизмат қилган.

Тадқиқотнинг жамиятда маҳаллий жамоаларнинг ҳамда овул ва кўча бийларининг роли ҳақидаги натижалари фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш ишларида фойдаланилди (Фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 17.05.2018 й. 01-01/118-сон маълумотномаси). Хусусан, ишда кўшничилик, “бий” институтларининг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги асослаб берилган илмий хулосалар маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлашда ҳизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та республика ва 6 та халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилиш жараёнида апробациядан ўтди.

Диссертациянинг айрим қисмлари 2009 ва 2017 йилларда Берлиндаги Гумбольдт университетининг (Германия) Марказий Осиё семинарида талабалар ва семинар ходимлари иштирокида муҳокамадан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

(5 республика ва 1 та хорижий журналларда) мақола, 24 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилиш даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши, публикациялар ва иш таркиби тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Муаммо ўрганилишига доир тарихий-методологик ёндашувлар**» деб номланган **биринчи боб**да ўрганилаётган муаммо бўйича маҳаллий ва чет эл адабиётлари тадқиқ этилиб, ижтимоий институтлар тўғрисидаги этнология ва социология фанидаги тушунчалар таҳлил қилинган. Шунингдек, олиб чиқиладиган илмий муаммога методологик ёндашувларни аниқлашга ҳаракат қилинган.

Ушбу бобнинг **биринчи параграфида** XIX асрда россиялик олимлар ва саёҳатчилар томонидан яратилган ҳамда қорақалпоқларнинг қабилавий таркиби, уруғларнинг номланиши, уларнинг жойлашиш тартиби ва бошқа шу каби нарсалар тўғрисида маълумот берадиган асарлари кўриб чиқилган. Уруғларни ўрганишда муҳим манбалардан бири – “шажара”лар саналади. Бердақнинг “Шажара” номли асари ана шундай манбалар қаторига киради⁷.

XX асрнинг биринчи ярмидан қорақалпоқлар этнографияси махсус ўрганила бошланган. Диссертацияда тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар тасниф қилинган. Биринчи гуруҳ адабиётлари қорақалпоқларнинг турли хил ижтимоий институтларига оид маълумотлар ёритилган С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, С.Камалов, Р.Қосбергенов кабиларнинг ишларини ўз ичига олади⁸. Т.А.Жданко ўз тадқиқотида XIX аср – XX аср бошларида қорақалпоқларда уруғларга бўлинишнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Қорақалпоқлар ва кўшни халқларнинг уруғлар таркибига оид маълумотлар Л.С.Толстова, К.Л.Задыхина, К.Ш.Шониязов, И.Жабборов, С.М.Абрамзон, А.И.Левшин ва бошқаларнинг асарларида учрайди⁹.

⁷ Бердақ (Бердимурат). Шежире.- Нөкис, 1950.

⁸ Толстов С.П. Древний Хорезм.- М., 1948.- 451 с.; Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации.- М.;Л., 1948.- 337 с. ва бошқ.; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.;Л., 1990; Андрианов Б.А. Этническая территория каракалпаков в северном Хорезме. XVIII-XIX в.в. / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.- М., 1958. Т.III; Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках.- Т.: Фан, 1968.- 328 с.; Косбергенов Р. Положение каракалпакского населения в Хивинском ханстве в конце XIX – начале XX века / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.- М., 1958. Т.III.

⁹ Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины.- Нукус, 1959; Толстова Л.С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса. XIX – нач. XX века.- Нукус-Ташкент: Каракалпакгиз, 1963; Задыхина К.Л. Пережитки

Оила ва қариндошлик масалалари А.Бекмуратова, Х.Есбергенов, Р.Камалова ва бошқаларнинг асарларида кўрсатилган¹⁰. Уларда хўжалик турлари, урф-одатлар масалалари ёритилган.

Т.Х.Ташбаева ва М.Д.Савуров, Н.Х.Азимов, Г.Ш.Зунунова, А.Маликовларнинг¹¹ асарларида ҳам фойдали материаллар мавжуд бўлиб, улар ишда тадқиқот методологияси сифатида фойдаланилди.

Қўшничилик масалалари Г.П.Снесарев, Н.П.Лобачева, О.А.Сухарева, Х.Исмаилов, С.Н.Абашинларнинг асарларида кўриб чиқилган¹². “Ўзбеки” асари ҳозирги давр ўзбекларининг турмушини ўрганишга бағишланган¹³.

Р.Баллиева, М.Карлыбаев, З.Курбановаларнинг асарларидан ҳам тадқиқот учун фойдали маълумотлар олинди¹⁴.

Хорижий адабиётларда юқорида келтирилган масалаларни тадқиқ этиш методологиясига, хусусан, уларни қиёсий таҳлил қилишга кўпроқ эътибор қаратилган.

Юқорида келтирилган маълумотлар бугунги кунда кўриб ўтилаётган муаммо юзасидан анча салмоқли этнографик материаллар тўпланганлигидан, илмий қизиқишлар доирасининг кенгайганлигидан далолат беради.

Ушбу бобнинг **иккинчи параграфида** этнологлар ва социологларнинг ижтимоий институтлар ҳақидаги қарашлари ўрганилган, тадқиқотга назарий-методологик ёндашиш масаласига ойдинлик киритилган.

О.Конт, Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, Б.Малиновский, А.Р.Радклифф-Браун, Т.Веблен, Э.Гидденс, А.К.Алиев ва бошқаларнинг асарларида¹⁵ ижтимоий

возрастных классов у народов Средней Азии // Родовое общество. Этнографические материалы и исследования.- М., 1951.- С. 133-155; Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа.- Т., 1974.- 342 с.; Джаббаров И. Узбеки.- Т., 2007.- С. 154; Абрамзон С.М.Киргизы, и их этногенетические и историко-культурные связи.- Ф., 1990.- С. 480; Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз кайсацких, орд и степей.- Алма-Ата, 1996.

¹⁰ Бекмуратова А.Т. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем.- Нукус, 1969.- 118 с.; Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразования в городском быту каракалпаков.- Нукус, 1975; Камалова Р.С. Традиционное верование в семейно-бытовой обрядности каракалпаков. (XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс... канд. ист. наук.- Нукус, 1996.

¹¹ Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Т.: Фан, 1989; Азимова Н. Роль махалли в современной жизни // АОН.- М., 1988.- С.132-142; Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиции (XX – начало XXIV.). – Ташкент: Extremum-press, 2013. – 320 с.; Маликов А. Некоторые теоретические подходы к изучению рода и племени в современных антропологических концепциях // «Ўзбекистон тарихи» журналы. – Т. 2016. №3-4, – С. 105-113

¹² Снесарев Г.П. Традиция мужских союзов в ее позднейшем варианте у народов Средней Азии // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг.- М., 1963; Лобачева Н.П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья: традиции и современность. – М., 1990; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. - М. Наука, 1976; Исмаилов Х. Хашар и его роль в трудовом и интернациональном воспитании масс // Общественные науки в Узбекистане.- Т., 1983.- №2.- С. 24; Абашин С.Н. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке (по материалам Ферганской долины): Автореф. дисс...канд.ист.наук.- М., 1997.

¹³ Узбеки.- М.: Наука, 2011.- 688 с.

¹⁴ Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование: Автореф. дисс... докт.ист.наук.- М., 2003; Карлыбаев М. Медресе в Каракалпакии XIX – начале XX веков.- Нукус, 2002; Курбанова З.И. Становление и развитие этнографической науки в Каракалпакистане (1920–2000 гг.): Автореф. дисс... канд.ист.наук.- Нукус, 2002.

¹⁵ Синютин М.В. Огюст Конт и современная социология: к 200-летию со дня рождения / http://ecsocman.hse.ru/data/937/302/1217/011_Sinyutin.pdf; Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод и назначение / <http://library.khpg.org/files/docs/1372596651.pdf>; Коломийцев В.Ф. Социология Герберта

институтлар таркибининг барқарорлиги, уларнинг унсурларининг интеграцияланувчанлиги, функцияларининг маълум даражада ўзгарувчанлиги билан характерланадиган ижтимоий тизим сифатида олиб қаралган. Бу қадриятлар ва нормалар, қоидалар, идеаллар, шунингдек инсонларнинг фаолияти, юриш-туриши намуналари тизими бўлиб, улар инсонлар ўзларини бир хил тутишини белгилаб беради, инсонлар интилишларини йўналтириб туради, инсонларнинг талабларини қондириш усулларини белгилайди, жамиятдаги баланс ва барқарорликни таъминлайди.

Тадқиқотда масалани ўрганиш пайтида ижтимоий институтларнинг келиб чиқиши эмас, балки кўпроқ уларнинг ҳозирги замонда тутган ўрнини ва ролини аниқлаш билан чекланиб ўрганишга ҳаракат қилинди. Шу билан бир қаторда, айрим ижтимоий институтларнинг «яшаш» сабабларини билиш учун ретроспектив таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Ижтимоий институтлар моҳияти хусусида кўплаб фикрлар ва талқинлар мавжуд. Илмий таҳлилнинг мураккаблиги, биринчи навбатда, ижтимоий институт инсоннинг ўзини ўраб турган муҳитдаги ҳаётий фаолиятининг махсус усули сифатида кўпқиррали тарзда намоён бўлиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Уруғнинг қорақалпоқлар турмушида тутган ўрни ва роли**» деб номланган бўлиб, унда халқнинг уруғ-қабилавий таркиби, уруғ сифатида ўзини англаши, шажара борасида тушунчалари ҳамда экзогамия масалалари ёритилган.

Бобнинг биринчи параграфи қорақалпоқларнинг бугунги кунга қадар уруғларга бўлиниши масаласига бағишланган. Қорақалпоғистонда, айниқса қишлоқ жойларда, қорақалпоқлар асосан уруғларга боғлиқ ҳолда жойлашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу, ўз навбатида халқнинг уруғларга бўлинишини сақлаб турган омиллардан биридир.

Маълумки, қорақалпоқ халқи икки *арысга*: «*қоңырат*» ва «*он төрт уруғ*»га бўлинади. Ўз навбатида *арыслар* уруғларга, уруғлар *тийреларга*, *тийрелар* эса *көшеларга* бўлинади. Уларнинг ҳар бири ўз номига эга. *Көше* номларининг келиб чиқиши афсонавий ёки реал асосчи-аждод ҳисобланган инсоннинг (оқсоқол, бий ва б.) таҳаллус ва лақаблари билан боғлиқдир. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, ушбу лақаблар исмларни айтиш ман қилинган одат туфайли келинлар томонидан берилган.

Қорақалпоқларда уруғларга бўлиниш ўзларини бошқа халқлардан ажратиб турувчи белги сифатида қабул қилинади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, қорақалпоқ уруғ номларининг кўпчилиги бошқа қардош халқлар, хусусан ўзбеклар ва қозоқларда ҳам учрайди.

Дала материаллари қорақалпоқлар ўз уруғ номларини ўзларини у ёки

Спенсера / <http://ecsocman.hse.ru/data/475/176/1217/004.KOLOMYITSEV.pdf>; Лурье С.В. Историческая этнология: Учебное пособие для вузов. – М.: Академический Проект: Гаудеамус, 2004.- С. 19; Садохин А.П. Этнология: Учебник. - М.: Гардарики, 2006.- С. 53; Рэдклифф-Браун А. Р. Метод в социальной антропологии / Пер. с англ. и заключ. ст. В. Николаева. — М.: КАНОН-пресс-Ц, Кучково поле, 2001.- С. 100; Типология институтов. Институт как нормативная система и социальная организация / <https://lektisii.org/9-82183.html>; Гидденс Э. Социология / <http://cathedra.icc.dgu.ru/Content/files>; Алиев А.К. Северный Кавказ: современные проблемы этнополитического развития.- Махачкала, 2003.- С. 94.

бу уруғ гуруҳига мансуб билган ҳолда сақлаб келишини кўрсатади. Маълумот отадан болага ўтиб боради.

Шу билан бир қаторда, халқ хотирасида фақат пастки кичик уруғ номлари қолиб, катта уруғ номлари унутилиб бораётгани аниқланди. Қорақалпоқлар танишганда биринчилардан бўлиб «нелисең?» (яъни қайси элдан, уруғдансан?), дея савол беради. Жавоб берувчи ўз уруғ номини айтиши лозим бўлади. Асосан катта ёшдагилар уруғларнинг бўғини номларини ҳам яхши билдилар, никоҳ муносабатлари ўрнатишга рухсат берилмаган кичик уруғ номларигача эса сақлайдилар.

Тадқиқотда айрим уруғ гуруҳлари тўғрисидаги афсона ва ривоятлар тўпланди. Ҳар бир уруғ ўзининг келиб чиқиши тўғрисидаги ривоятларга эгадир. Олимларнинг фикрича, уруғ номларининг келиб чиқишини тушунтиришга уринишлар асосан сўнгги йилларда халқ томонидан тўқилган талқинлар бўлиб, номларнинг келиб чиқишининг ҳақиқий сабаблари бугунги кунгача етиб келмаган.

Ушбу бобнинг **иккинчи параграфид**а қорақалпоқларда уруғчиликнинг сақланишида шажараларнинг тутган ўрни тўғрисида сўз юритилади.

Қорақалпоқларнинг уруғ белгиларига кўра жойлашиши майда уруғлар гуруҳининг бирлашуви билан характерланади. Уруғ гуруҳларининг келиб чиқиши тарихини ўрганишда шажаралардаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Айрим уруғлар тўғрисидаги шажаралар ва афсоналар уруғлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада чуқурроқ тадқиқ этишга имкон беради.

Қорақалпоқлар, шунингдек, ўзбек, қозоқ ва бошқа қардош халқлар одатларига кўра, ҳар бир инсон ўзининг етти аждоди исмларини билиши зарур. XIX асрда қозоқ ва қирғизлар (қирғизлар ва қорақирғизлар) ҳақидаги маълумотларни ўрганган рус тадқиқотчиси: “Ҳар бир инсон ўзининг етти аждодини билиши зарур. Буни билмаганлар – муртадлардир”, – деб ёзган эди¹⁶. Диссертацияда қорақалпоқларнинг оилавий шажара маълумотларини келтириш орқали уларнинг ўз шажаралари тўғрисидаги тасаввурларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Шу ва бошқа маълумотлар қариндош оилалар гуруҳининг ижтимоий функцияларини аниқлашга, қорақалпоқ уруғларининг келиб чиқиши масаласига ойдинлик киритишга ёрдам берди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу шажаралар эгалари ўзларини афсонавий тарихий шахслар билан қариндошлик ришталари боғлаб турганини кўрсатишга ҳаракат қилишади.

Телеутларда шунга ўхшаш ҳолатларни ўрганган Е.П.Батъянованинг ёзишича: “шажара қанчалик чуқур кетса, аждоднинг исми ва унинг фаолияти афсона ва ривоятлар билан бойиб бораверади... Аждодни афсонавийлаштириш жараёни баъзан учинчи-тўртинчи авлоддаёқ кечади ва унинг ноодатий ўлими тўғрисидаги маълумотларда намоён бўлади...”¹⁷.

¹⁶ Гродеков Н.И. Киргизы и каракиргизы Сырдарьинской области. Т. I. Юридический бытъ.- Т., 1889.- С.27.

¹⁷ Батъянова Е.П. Род и община у телеутов XIX–XX веках: Дисс... канд.ист.наук.- М., 2002.- С. 74.

Ҳозирги пайтда алоҳида оилаларнинг шажараларини топиш қийин. Лекин, ўз аجدодлари тарихи билан жиддий қизиқадиганлар ҳам топилади. Улар тўплаган маълумотларини ёзма равишда сақлаб келадилар.

Ўз шажарасини билмасликни информаторлар ўзларининг ниҳоятда бандликлари билан тушунтирадилар. Совет даврида бошқа халқлар (руслар) вакиллари билан хизмат юзасидан доимий алоқада бўлиш натижасида миллий маданият “европалашиб” борган, натижада аста-секин ўзининг етти авлоди, ўз уруғи тарихига бўлган қизиқиш ҳам сусайган.

Уруғлар ва уларнинг келиб чиқишига оид халқ хотирасидан ўрин олган ривоят ва афсоналар уруғ-қабилачилик анъаналари ҳамда қардош уруғ гуруҳлари тўғрисида маълумотларнинг сақланиб қолишига, умумий келиб чиқиш ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлади.

Мазкур бобнинг **учинчи параграфида** уруғларнинг никоҳ алоқаларида тутган ўрни ҳақида сўз юритилади. Қорақалпоқларда экзогамия жуда катта ўрин тутди. Анъаналарда қариндош-уруғлар вакиллари ўртасида никоҳнинг ман қилиниш одати ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун оилалар орасида сўровнома ўтказилди. Натижа, анъанага кўра, барча қорақалпоқ оилаларидаги никоҳ муносабатлари қариндош уруғлар – *уруўлас* (битта уруғдан) вакиллари орасида эмас, балки бегона уруғлар вакиллари билан ўрнатилганлигини кўрсатди.

Экзогамия локал характерга эга эмас – никоҳдан ўтаётганлар уларнинг овуллари қаерда бўлишидан қатъий назар, яқин биологик қариндош бўлмаслиги, ўз уруғи вакили бўлмаслиги барчадан тенг талаб қилинади¹⁸. Узоқ қариндош, лекин битта уруғ вакиллари орасидаги никоҳ ҳам таъқиқланади¹⁹.

Кўпчилик информаторларнинг фикрича, экзогамия қоидаларига риоя қилиш учун 7 аждоди (*жети ата*)ни билиш зарур. Бунга кўра, еттинчи авлоддан сўнг қариндошлар бир-бирларига бегона ҳисобланиб никоҳга рухсат берилган. Аммо бугунги кунда уруғ бўғинларининг узоқ-яқинлигидан қатъий назар, битта уруғ вакиллари орасидаги никоҳ ман қилинади. Бу ҳолат, ўз навбатида, қорақалпоқларда авлодлар экзогамияси эмас, балки “уруғ-қабилла” экзогамияси қоидалари ҳукм суришини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, қатъий экзогамия қоидаларига қарамай, қорақалпоқларда яқин қариндошлар, аниқроғи *бөле* (опа-сингиллар фарзандлари) орасида ёки тоғанинг қизига уйланиш (дайы) ва жиянини куёв қилишга рухсат берилади (жийен), чунки оталари бўйича улар турли уруғларга мансубдир.

Бошқача айтганда, экзогамия қоидалари ҳозиргача сақланиб келиб катта кучга эга бўлган никоҳ масаласида ҳал қилувчи ижтимоий омиллардан бири ҳисобланади ва ижтимоий институт вазифасини бажариб келади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида уруғларнинг

¹⁸ Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразования 1970.- С. 71.

¹⁹ Сухарева О.А. Традиция семейно-родственных браков у народов Средней Азии (в порядке дискуссии) // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1978.- С. 118.

қорақалпоқлар турмушида тутган ўрни ҳақида сўз юритилади.

Қорақалпоқлар уруғлари бўйича тадқиқот олиб борган Т.А.Жданко қорақалпоқлар ўтмишида уруғларнинг тутган ўрни ҳақида тўхталар экан: “Қорақалпоқларда маълум бир уруғга кириш анъанаси нафақат оилавий муносабатларда (никоҳ ва ҳ.к.), балки жойлашиш тартибида, 1920 йилгача ҳукм сурган Хива хонлигидаги қорақалпоқларни бошқариш тизимида акс этган хўжалик-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган”, – деб қайд этган²⁰. Шунингдек, бошқа бир тадқиқотда: “Ўтмишда ҳар бир уруғ маълум бир ҳудудни эгаллаган, яъни уруғларга бўлиниш уларнинг жойлашиш тарзига ҳам таъсир қилган. Ушбу ҳудуд ичида ҳар бир уруғ ўз суғориш тизимига, деҳқончилик ерларига, яйловларига эга бўлган”, – деган маълумотлар келтирилган²¹.

Уруғ манфаатлари, шунингдек, дафн маросимларида ҳам кўзга ташланади. Ўз уруғи қабристонига дафн қилиш анъанаси шу кунга қадар давом этиб келмоқда. Айрим ҳолатларда бунинг учун узоқ масофани босиб ўтишга тўғри келади. Масалан, муйтен уруғи вакиллари, асосан, “Қабакли ота” ва “Тербенбес” қабристонларига дафн қилинади.

Уруғ роли турли уруғлар вакиллари ўртасида она томондан қариндошлик алоқаларига асосланган *дайы-жийен* (тоға-жиян) шаклидаги ҳазил муносабатларда ҳам намоён бўлади. Анъанага кўра, она уруғига тегишли ҳар бир киши тоға ҳисобланиб, у жиянлари билан ҳазил-мутойиба қила олади. Бунда онанинг ака-укалари жиян учун “ака” ё “укадек” яқин бўлиб, фақат уруғ ичидаги қариндошлари билан ҳазил қилиши тўғри ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жойлашишда уруғ-қабилавий тамойиллар йўқолиб бормоқда. Умумий келиб чиқиши ҳақидаги тушунча фақат уруғ аъзолари онгида сақланган, зеро улар орасида яқин қондошлик ва қариндошлик ришталари бўлмаслиги ҳам мумкин. Уруғ аҳамияти, айниқса қишлоқ жойларда яққол кўзга ташланади. Шаҳарликлар орасида ўзаро муносабатларда уруғ-қабилавий муносабатлар деярли аҳамиятга эга эмас.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уруғ ижтимоий институт сифатида маълум специфик функцияларни бажаради. Уруғнинг аҳамияти анъана ва урф-одатларда кўзга ташланади (мурындық ота-она сайлаш, экзогамия қоидалари, оила ва қариндошлик гуруҳлари муносабатларида, она томондан қариндошлар билан муносабатларда, “эрнинг қариндошлари билан муносабатларда ўзини чегаралаш” одати ва ҳ.к.). Бошқача қилиб айтганда, қорақалпоқларнинг бугунги кун турмушида уруғ тушунчаси инсонларнинг шахсий муносабатлари ва халқ хотирасида маълум даражада сақланиб келмоқда. Умуман олганда, айниқса ёш авлод вакиллари учун уруғларга бўлиниш қадим даврлардаги каби рол ўйнамаса ҳам, жипслик белгиси сифатида хизмат қилади. “Қабила”, “уруғ” каби тушунчаларнинг қўлланиши эса шартли аҳамият касб этиши мутлақо аниқдир.

²⁰ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков.- М.Л., 1950.- С.8

²¹ Народы Средней Азии и Казахстана / Народы мира. Этнографические очерки.- Т. I. М., 1962.- С. 416

“Оилавий қариндошлик муносабатлари” деб номланган учинчи боб оила, оила қариндошлик гуруҳлари ва “мурындық” каби ижтимоий институтларнинг таҳлилига бағишланган.

Ушбу бобнинг **биринчи параграфида** оиланинг аҳамияти, ёш оиланинг бўлак бўлиб чиқиши, оиладаги тарбия ва унда катта ёш вакилларининг роли тўғрисида сўз юритилган.

Ижтимоий институт сифатида оила ўз аъзолари ва бутун бир жамият учун турли муҳим ҳаётий вазифаларни бажариши аниқ. Диссертацияда ота-она оиласидан ёш оиланинг алоҳида бўлиб чиқиши, болалар тарбияси каби масалаларга катта ва ёш авлод вакилларининг қарашларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Оила орқали анъана ва урф-одатларнинг сақланиш даражаси ўрганилган, оиланинг ижтимоий институт сифатидаги функциялари аниқланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпчилик ёш оилалар қишлоқ жойларда ўз ота-оналари билан бирга яшайдилар. Айрим оилаларда бир неча авлод вакиллари биргаликда яшаётганлиги аниқланди.

Ёш оилани алоҳида қилиб чиқариш турли сабаблар туфайли юз беради. Шулардан бири – ишга жойлашишдир. Одатда ёшлар ўқишни тугатгач, шаҳарда қолиб кетишади, чунки у ерда ўз соҳаларига тегишли ишга осонроқ жойлашадилар. Бундай ҳолатда ёш оилаларни алоҳида қилиб чиқаришнинг тартиби бузилади. Анъанага кўра, катта ўғил оиласи билан ота-она уйини тарк этиши лозим. Натижада, энг кичик ўғил фарзанд ота-она билан бир уйда (*үлкен үй*, яъни катта уй, ҳовли) яшаб қолади ва у ота-онасига, токи улар бу дунёни тарк этгунларича, масъул ҳисобланади. Охирги йилларда ушбу анъана маълум даражада бузилмоқда. Албатта, уй-жой масаласи ижобий ҳал этилгандагина, ёш оиланинг ота уйини тарк этиши амалга ошади. Катта ҳовлида турган давр мобайнида эса келин «қайнона мактаби»дан, яъни тарбиясидан ўтади.

Бизда информаторларнинг ёш оилаларни алоҳида қилиб чиқаришга бўлган муносабатлари қизиқиш уйғотди. Ҳаётий тажрибалари кўпроқ бўлган катта ёшдаги аёллар ота-она (яъни қайнота-қайнона) билан бирга яшаш тарафдори ҳисобланадилар. Чунки, улар бола тарбияси ва хўжалик ишларини юритишда кўмаклашиб, моддий жиҳатдан ёрдам беришлари ҳам мумкин. Бошқалари эса ёшларнинг алоҳида бўлиб чиқиши уларнинг мустақил ҳаёт кечиришига асос бўлиб, оила учун жавобгарликни оширади, деган фикрни билдирдилар.

Оиланинг асосий функцияларидан бири маънавий меросга, тарихан шаклланган анъаналарга, урф-одатларга таянган ҳолда ёш авлодни тарбиялашдир. Н.Д.Пчелинцева тўғри таъкидлаганидек: “Социализация жараёнига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Биринчи навбатда, булар оилада шаклланган қариндош-уруғчилик муносабатлари, оила аъзолари ўртасидаги мулоқот усули, оиладаги ролларнинг жинс ва ёш жиҳатдан бўлиниши, эркаклар ва аёллар, ўз навбатида ака-сингиллар мавқеининг ўзига хос жиҳатлари, анъаналарга риоя қилиш даражаси, оилавий муҳит кабиларни ўз

ичига олади”²².

Анъанага кўра, оилада болалар тарбияси билан катта авлод вакиллари (буви ва бува) шуғулланганлар. “Айнан қариялар болаларни урф-одатлар, қариндошликнинг терминологияси, меҳмон кутиш, байрам зиёфатларини ташкил этиш тартиблари, одоб-ахлоқ меъёрлари билан таништириб борганлар”²³.

“Эрнинг қариндошлари олдида ўз фаолиятини чегаралаш” одати, яъни ўз эрининг қариндошлари исмларини айтмаслик каби одатлар этнография фанининг қизиқарли мавзуларидан бири саналади. Қорақалпоқлар урф-одатига кўра, келин эрининг нафақат қариндошларини, балки ўз фарзандларидан айримларининг исмини ҳам айтмайди²⁴. Ҳозирда бу одат кўпинча фақат тўнғич фарзандга нисбатан қўлланади.

Оила муносабатлари турли хил шакллариининг мавжудлиги у ёки бу жамиятнинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни туфайли ижтимоий алоқаларда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу, албатта, оиладаги муносабатларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Тадқиқотларда кўрсатиб ўтилганидек: “Жамият ва шахс ўртасидаги янги талаблар ўзгача кадрият ва қоидаларни келтириб чиқармоқда ва ўз навбатида оила структурасини ва вазифаларини ҳам модификация қилмоқда”²⁵.

Ушбу бобнинг **иккинчи параграфида** қариндошлик муносабатлари масаласи ўрганилади. Қорақалпоқларда ота-она уйдан алоҳида бўлиб чиққан ёш оилалар яшаш манзили узоқ-яқинлигидан қатъий назар, улар ота-оналари ва қариндош-уруғлари билан яқин муносабатда бўладилар. Бунда яқин қариндошлик бирдамлиги, бир-бирига боғланганлик ва доимий ўзаро ёрдам кўрсатиш руҳиятиниинг шаклланганлиги каби маънавий-ахлоқий омиллар муҳим ўрин тутуди²⁶. Ушбу бирлаштирувчи омиллардан бири сифатида жамоаниннг ғоявий бирдамлигини кўрсатиш мумкин. У, биринчи навбатда, генеалогияда кўзга ташланади, яъни яқин қариндошликнинг кўрсаткичи сифатида умумий аجدод тўғрисидаги хотираларнинг мавжудлиги билан изоҳланади²⁷.

Анъаналар давомийлигини таъминлаш учун катта авлод вакиллари, урф-одатлар тўғрисида ёшларга кўпроқ сўзлаб беришга ва ёшларни оилавий маросимларга жалб этишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳақда маълумот берувчилардан бири: *“Одатда, агар қариндошларимнинг тадбирига ўзим бора олмасам, унда ўғилларимни жўнатаман. Шунда ўғлим, қариндошларимиз билан таништиргани ўзи билан у ерга хотинини ҳам олиб*

²² Пчелинцева Н.Д., Л.Т.Соловьева. Традиции социализации детей и подростков у народов Северного Кавказа // Северный Кавказ: Бытовые традиции в XX в.- М., 1996.- С. 92.

²³ Семья у народов Средней Азии и Казахстана // Семейный быт народов СССР. – М.: Наука, 1990.- С. 409.

²⁴ Бекмуратова А. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем.- Нукус, 1970.- С.44.

²⁵ Ясеновская Е.В. Гендерный аспект взаимоотношений в семье: социально-философский анализ: Автореф. Дисс... канд.филос.наук.- М., 2005.

²⁶ Семья у народов Средней Азии и Казахстана // Семейный быт народов СССР. – М.: Наука, 1990.- С. 473.

²⁷ Карапетян Э.Т. Родственная группа «азг» у армян.- Ереван, 1966.- С. 49

боради. Айрим оилаларнинг кексалари то қаригунларига қадар қариндошларнинг тадбирларига ўзлари борадилар. Бу ҳолат эса уларнинг фарзандлари қариндошларини яхши билмаслигига олиб келади, оқибатда улар ўртасидаги қариндошлик муносабатлари аста-секин йўқола бошлайди”²⁸, – деган маълумотларни берган. Мустаҳкам оилавий муносабатлар нафақат қондош оила аъзолари орасида, балки уруғлар – *көше* вакиллари орасида ҳам давом этади.

Көше XX аср бошларига қадар қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Ушбу қариндошлик гуруҳ аъзолари ўзаро илик муносабатларини оилавий байрамлар, уруғ зиёфатлари шаклида мустаҳкамлаган.

Н. П. Лобачева *көшени* ижтимоий институт сифатида кўриб чиққан: “Ўрта Осиё халқларида ҳозирги кунгача келиб чиқиши жиҳатидан яна бир эски институт мавжуд, у маълум ўзгаришларга учраган ва замонавий шароитларга мослашган. Бу қариндошлик гуруҳи институтидир. ...ҳар бир халқда у турлича аталган. Масалан, қорақалпоқларда у “көше” дейилган...”²⁹.

Көше тушунчасини ўрганиш 1940-1950-йилларда ХАЭЭ³⁰да Т.А.Жданко бошчилигида Қорақалпоқ этнографик гуруҳи томонидан бошланган. Тадқиқот жараёнида 1956 йили улар Қозоқдарё овулида *Муйтен* уруғининг “*жескенсал*” *көшеси* генеалогик тизимини тиклашга муваффақ бўлганлар³¹.

Ҳақиқий қариндошлик алоқалари батамом йўқолган ёки ёдда сақланиб қолмаган уруғ тушунчаси билан таққослаганда, *көше* тушунчасида фақат яқин қондош-қариндошлар бирлашади, улар бир-бирларини *туўысқан, жақын туўысқан* (қариндош, яқин қариндош) деб аташади.

Ушбу масалада йиғилган дала этнографик материаллари қорақалпоқлар турмушида қариндошлик гуруҳларининг аҳамияти шу кунгача муҳимлигича қолганидан дарак беради. Ҳозирги вақтда *көше* уруғ гуруҳчаси ўзининг энг асосий хусусиятларидан бири – бир ҳудудда зич жойлашиш ҳолатини йўқотган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфида «муриндиқ» тушунчаси ижтимоий институт сифатида ўрганилади. Одатда, ёшлар оила кураётганида уларган янги рамзий “ота-она” тайинланади ва улар “*муриндиқ*” ота ёки эна деб аталади.

“Қадимда анъанага кўра, мулла иштирокида ёшларнинг никоҳ маросими ўтказилган. Бунда гувоҳ (“*гуа*”) сифатида овулнинг бир нуфузли кишиси иштирок этган. Гувоҳлар келин ва куёвнинг ота-онаси танловига асосан тайинланган. Гувоҳлар вакил ота ва вакил она ҳисобланганлар. Вакил оталар (“*муриндиқ ота*”) қозоқ ва қорақалпоқларда ҳозирда ҳам кенг

²⁸ Давлетияров М. Полевые записи №77 за 2010 г.

²⁹ Лобачева Н.П. Социальные институты древности ... 1990.- С. 47.

³⁰ Хорезм археологик-этнографик экспедицияси.

³¹ Жданко Т.А. Работы каракалпакского этнографического отряда в 1956 г. // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1954–1956 гг. – М.: Издательство Академии наук СССР, 1959.

тарқалган”³².

“*Муриндиқ*” атамаси – ўзбек тилида “бурун” маъносини ифодаловчи қорақалпоқ тилидаги “мурин” сўздан келиб чиққан бўлиши мумкин. “*Муриндиқ*” деб туяни бошқаришда ва арқонни маҳкам ушлашда фойдаланиладиган металл, ёғоч яки суяқдан ясаладиган ипга нисбатан ҳам айтилган. У туянинг бурнидан ўтказилган. Ушбу институтнинг бундай номланишига сабаб – унинг бажарадиган асосий вазифаси ёш оилани “тортиш”, “олға етаклаш” уларнинг эр-хотинлик ҳаётида маслаҳат ва кўмак бериш билан боғлиқдир.

Муриндиқ ота тайинланишининг сабабларидан бири – йўқолиб бораётган қариндошлик алоқаларини сақлаб қолишга қаратилган. Чунки *муриндиқ* оталарнинг кўпчилиги ўз уруғидан тайинланади. Аммо бундай анъаналарни четлаб ўтадиганлар ҳам бор, улар ўз болаларига *муриндиқ* отани бошқа уруғлардан ҳам тайинлашади, ҳатто бошқа миллат вакилларида *муриндиқ* отани тайинлаш ҳоллари ҳам учрайди. Маълумот берувчиларнинг фикрига кўра, “яқин қариндошлар ёш оилалар ҳаётидаги муаммоларни ечишда нотўғри йўл кўрсатишлари мумкин”³³.

